

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА IX-XII АСРЛАРДА ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15654403>

Парпиев Мухаммаджон Толибович

m.t.parpiyev@andupi.uz

ORCID: 0009-0000-1869-9348

Ўзбекистон, Андижон давлат педагогика институти, Ижтимоий фанлар
кафедраси доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Тел рақам: 93-787-80-30)

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиёда илк уйғонишга сабаб бўлган омиллар ўрағилиб, минтақада етишиб чиққан алломаларнинг илмий-фалсафий мероси таҳлил қилиниб уларнинг маънавий мероси бугунги авлод тарбиясида муҳим омил эканлиги таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Уйғониш даври, маданий муҳит, Ислом дини, ҳадислар, Инак йўли, илм-фан, халқаро мулоқотлар, юнон-рим маданияти, фалсафий мерос, ахлоқ.

Abstract. In this article, the factors that caused the first renaissance in Central Asia are studied, the scientific and philosophical heritage of scholars who grew up in the region is analyzed, and it is analyzed that their spiritual heritage is an important factor in the education of today's generation.

Keywords: Renaissance, cultural environment, Islamic religion, hadiths, Silk Road, science, international communication, Greco-Roman culture, philosophical heritage, ethics.

Кириш

Марказий Осиёдаги уйғониш даври, инсоният тарихида катта аҳамиятга эга бўлиб, илм-фан, маданият ва ижтимоий тараққиётнинг юксалиши билан ажралиб туради. Ҳар қандай уйғониш даврининг асосида ўтган масала тараққиётнинг тўғри йўлини танлай олиш, эзгу мақсад ва муддаоларни кўзлаш, шу билан биргаликда мавжуд тарихий имкониятдан фойдаланиб қолиш билан боғлиқ равишда кечади. Бу ана шу давр маданий муҳити вакиллари, ҳукмдорлар ва соҳа ривожига ҳисса қўшадиган давлат амалдорларининг паозицияси бўлса, келажак авлод бу жараёни авваламбор уйғониш даврига таъсир кўрсатган омиллар нуқтаи назаридан таҳлил қилади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Марказий Осиёда уйғониш даврининг келиб чиқишида муҳим сабаблардан бири сиёсий барқарорликдир. Шунингдек, уйғонишнинг асосий хусусиятларидан бири ислом цивилизациясининг таъсири бўлди. VII асрдан бошлаб Ислом динининг Марказий Осиёга тарқалиши илмий ва маданий тикланишга катта туртки берди. Ислом оламида илм-фанни ўрганишни тарғиб қилувчи кадриятлар

хукмрон бўлиб, илм-маърифат билан шуғулланиш маънавий вазифа сифатида қабул қилинган. Қуръоннинг биринчи оятларидан бири “Ўқи” (Иқро’) сўзи билан бошланиши бу маданиятнинг илмга қанчалик аҳамият берганини англатади. Шунингдек, ҳадисларда ҳам илмни ўрганишнинг зарурлиги кўп бор таъкидланган. Натижада, ислом мадрасаларида нафақат диний илмлар, балки математика, астрономия, тиббиёт, кимё ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган. Уйғониш даври алломалари компаративистикаси билан шуғулланган олим А.Муҳемедовнинг фикрича: “Ислом дини мамлакатимиз ҳудудига VIII асрдан бошлаб кириб келган бўлса, араб тили аҳоли орасидаги мулоқот ҳамда маданий тараққиёт воситасига айланди. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида халифалик улкан ҳудудларни ўзига бирлаштирган, лекин халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатлари натижасига парчаланиб кетганди. Араблар томонидан олиб борилган ижтимоий сиёсат ҳамда халқ маданий ҳаётига олиб кирилган янгилик ва ўзгаришлар натижасида араб тили Хитойдан Мисрга қадар чўзилган улкан ҳудудларда асосий тил сифатида ҳурмат қозонганди” [1. 16-б.]. Маълумки, дин нафақат дунёқараш шакли, балки жамият аъзоларини бирлаштириб турадиган, маълум бир мақсад ва манфаатлар йўлида сафарбар этиш хусусиятига ҳам эгадир. Лекин, Шарқда ҳам Ғарбда ҳам дин ҳозирги қарашлардан фарқли тушунилан. Бугунги диний қарашларимизнинг асосида Марказий Осиё хонликларида таназзулига асос бўлган диний қарашлар билан бирга умуман динга қарши курашган совет давлатининг расмий мафкураси қоришиғи ётади. Лекин, дастлабки Уйғониш давларида динни мутлақлаштириш, ҳар бир жараёнга диний ёндашув ва жамиятда диний бегоналик кайфияти бўлмаган ва шу сабабли ҳар икки маконда ҳам ижобий ролб ўйнаган.

Муҳокама ва натижалар. Марказий Осиё Ипак йўлида жойлашганлиги туфайли савдо ва маданий алмашинув маркази бўлган. Ипак йўли орқали Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Европа ўртасида савдо қилинар, бу эса турли ҳудудларнинг илм-фан ва маданият соҳасидаги тажрибасини тарқатишга имкон берарди. Савдо йўналишларининг ривожланиши шаҳарларнинг иқтисодий юксалишига сабаб бўлди. Бу ҳолат, ўз навбатида, илм-фан ва маданиятга сармоя киритиш имкониятини оширди. Бухоро, Самарқанд, Хива ва Марв каби шаҳарлар Ипак йўлидаги муҳим марказлар бўлиб, уларда илмий марказлар, мадрасалар ва кутубхоналар ташкил этилган.

Марказий Осиё уйғонишининг яна бир муҳим сабаби маданий ва миллий анъаналарнинг сақланиб қолгани ва уларнинг илм-фан ривожига таъсир кўрсатганидир. Иқтисодий жиҳатдан олганда, Марказий Осиёнинг табиий ресурсларга бойлиги ва унинг стратегик географик жойлашуви минтақада иқтисодий тараққиётга туртки берган. Иқтисодий юксалиш илм-фан ва маданият ривожланиши учун молиявий ресурслар яратган. Бу ҳолат олимлар ва ижодкорларга қўшимча имкониятлар тақдим этган. Шунингдек, Марказий Осиё уйғонишининг муваффақияти халқаро мулоқотлар орқали бошқа минтақаларнинг илмий ва маданий ютуқларини қабул қилиши билан

ҳам боғлиқ. Хусусан, Ҳиндистон, Хитой ва Эрон маданиятлари билан алоқалар илм-фан ва технологияларнинг минтақада тезроқ тарқалишига хизмат қилган. Буларнинг барчаси минтақада уйғониш жараёнини янада кучайтирди.

Марказий Осиё уйғониши инсоният тарихидаги энг муҳим маданий ва илмий тикланишлардан бири бўлиб, унинг таъсири ҳозирги кунгача сезилиб туради. Бу жараён нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ҳам илм-фан ва маданият ривожланишига катта ҳисса қўшган. Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар фақат Марказий Осиё маданияти учун эмас, балки бутун дунё цивилизацияси учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Ҳозирда ушбу уйғониш даврининг сабаблари ва натижаларини янада чуқур ўрганиш илм-фаннинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Савдо йўналишлари орқали Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий таъсир алмашинуви амалга ошган. Турли халқларнинг анъанавий билимлари, технологиялари ва ижодий услублари бир-бири билан уйғунлашган.

Маълумки, ренессанс атамаси дастлаб ғарбда вужудга келган. Французчадан “уйғониш” деб таржима қилинишига сабаб антик давр юнон-рим маданиятининг гуллаб яшнаниш ва илк ўрта асрларда Европадаги маданий турғунликдан янги босқичга қайтиш маъносида ишлатилган. Марказий Осиё маданиятида беҳабар мутахассислар Шарқ уйғонишини қўллашга эҳтиёткорлик билан ёндашади. Аслида эса Марказий Осиёлик алломалар ижодига юнон-рим маданияти катта таъсир кўрсатди ва илмий асосини ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё худудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз худудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машхур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди” [2].

Марказий Осиё алломалари бўлган Фаробий, Ибн Сино ва Беруний ўзларининг илмий ва маданий меросида юнон-рим илм-фан анъаналаридан кенг фойдаланганлар. Бу алоқалар нафақат уларнинг асарлари мазмунига, балки глобал илм-фан тараққиётига ҳам улкан таъсир кўрсатган. Юнон фалсафаси, тиббиёти ва астрономияси Ислом маданиятининг илмий тизимида уйғунлаштирилган ҳолда ривожлантирилган.

Абу Наср Фаробийнинг илмий ва фалсафий меросида юнон фалсафаси катта таъсир кўрсатган. Унинг фалсафий қарашлари, айниқса, Аристотель ва Платоннинг асарларига асосланган бўлиб, Фаробий бу икки буюк файласуфнинг ғояларини исломий дунёқарашга мослаштириш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. У Юнон фалсафасини исломий

маънавий қадриятлар билан уйғунлаштириш орқали янги илмий ёндашувларни шакллантирди. Унинг “Фозил одамлар шаҳари” асарида инсониятнинг ахлоқий ва маънавий тараққиётининг йўллари ҳақида сўз боради. Бу асар Аристотельнинг “Никомахий ахлоқи” ва Платоннинг “Давлат” асарларига мурожаатлар билан бойитилган ва ахлоқий камолот ҳақидаги фикрларини қайта таҳлил қилиб, исломий ахлоқий қарашлар билан уйғунлаштирилган шаклда тақдим этган. Шарқшунос олим Дмитрий Гутас шундай деб ёзади: “Фаробийнинг илмий фаолияти Юнон фалсафаси ва Ислом маданиятининг муваффақиятли синтези ҳисобланади” [3. 87-b.]. Фаробийнинг асарлари Юнон-Рим фалсафаси ва исломий фикрнинг уйғунлашуви натижасида яратилган бўлиб, унинг илмий ютуқлари бутун инсоният маънавий тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Ибн Синонинг тиббиёт ва табиий фанлар соҳасидаги асарлари ҳам Юнон тиббиёти анъаналаридан илҳомланган. У Галеннинг тиббий таълимотларини чуқур ўрганиб, уларни қайта ишлаган ва ўз замонининг илғор тиббиёт назарияларини шакллантирган. Унинг “Тиб қонуни” асари Юнон-Рим ва Ислом тиббиётининг уйғунлашуви намунасидир. Унда инсон танасининг физиологик жараёнлари ва касалликларни даволаш ҳақидаги билимлар келтирилган. Ибн Синонинг шундай фикри бор: “Инсон танасини тушуниш тиббиётнинг асоси бўлиб, унда инсоннинг саломатлигини сақлаш ва касалликларни даволашнинг асосий қоидалари ётади” [3]. Ибн Синонинг “Тиб қонуни” асарида Галеннинг тиббиёт ҳақидаги таълимотлари янада такомиллаштирилган. У инсон танаси тузилиши ва касалликларнинг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилишда Галеннинг назарий асосларига суянган. Шу билан бирга, у ўз таҳлиллари ва тажрибалари орқали ушбу билимларни янги босқичга кўтарган. Фалсафа соҳасида Ибн Сино Аристотельнинг метафизикага оид таълимотларини исломий дунёқараш билан уйғунлаштирган. Унинг “Шифо китоби” асарида Аристотельнинг мантиқ, метафизика ва табиий фанлар борасидаги қарашлари чуқур шарҳланган ва янги, ўзгарган ижтимоий-илмий шароитларга мос равишда қайта таҳлил қилинган. Ибн Синонинг таъкидлашича, фалсафа ва дин ўртасидаги уйғунлик инсон билимлари камолотига йўл очади. Ибн Синонинг илмий мероси юнон ва рим илм-фани билан яқин алоқада ривожланган бўлиб, унинг асарлари нафақат Ислом оламида, балки Европада ҳам илм-фан тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган.

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида Юнон-Рим астрономияси ва географиясидан кенг фойдаланган. У Птолемейнинг “Алмагест” асарини чуқур ўрганиб, ундаги маълумотларни таҳлил қилган ва ўз назарий хулосаларини келтирган. Берунийнинг “Қонун ал-Масъудий” асарида Птолемейнинг геоцентризм назарияси қайта таҳлил қилиниб, унга илмий танқид берилган. Бу алломаларнинг Юнон-Рим фан ва маданияти билан алоқаси уларнинг асарлари орқали нафақат Ислом оламининг, балки бутун инсоният илм-фанининг тараққиётига ҳисса қўшган. Ушбу мулоқотларнинг

натижалари бугунги кунгача илм-фан мероси сифатида сақланиб келмоқда. Абу Райхон Берунийнинг илмий фаолиятида Юнон ва Рим олимларининг таъсири сезиларли даражада намоён бўлади. Унинг астрономия, география ва математика соҳаларидаги асарлари қадимги юнон-рим анъаналарига асосланган бўлиб, уларни илмий таҳлил орқали янада ривожлантирган. Беруний Птолемей, Архимед ва Эвклиднинг асарларини чуқур ўрганган ва уларнинг билимларини янги илмий методлар билан бойитган.

Берунийнинг “Қонун ал-Масъудий” асарида Птолемейнинг астрономик назарияларига асосланган хулосалар келтирилган. У Птолемейнинг геоцентризм ғоясини танқидий қайта таҳлил қилиб, ўз замони учун илғор бўлган кўплаб астрономик концепцияларни илгари сурган. Берунийнинг география соҳасидаги ишлари ҳам қадимги юнон анъаналаридан таъсирланган. Абу Райхон Берунийнинг илмий ютуқлари Юнон ва Рим илм-фанига асосланиши билан бирга, уни ўзининг инновацион қарашлари ва таҳлиллари орқали жаҳон илм-фанига сезиларли ҳисса қўшган. Унинг асарлари инсониятнинг илм-фан соҳасидаги умумий тараққиёти учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Хулоса. Марказий Осиёдаги IX-XII асрлардаги илк Уйғониш даври нафақат илм-фан ва маданият ривожланиши, балки унинг фалсафий моҳияти билан ҳам аҳамиятлидир. Бу даврда инсоният тарихида илк бор инсон ақли, мантиқ ва маърифатга бўлган ишонч асосий фалсафий тамойил сифатида шаклланди. Илм-фан ва фалсафа уйғунлашган ҳолда инсон ҳаётининг маъноси, жамиятнинг ахлоқий асослари ва табиатнинг қонуниятларини тушунишга ҳаракат қилинди. Марказий Осиё алломалари бу жараённинг етакчилари бўлиб, уларнинг асарлари фалсафий фикрни чуқурлаштиришга хизмат қилди. Бу даврнинг фалсафий моҳияти инсон онги ва мантиқнинг чексиз имкониятларини эътироф этишда, илм ва ахлоқ уйғунлигига бўлган ишончда намоён бўлади. Илк Уйғониш даври алломалари илм-фанни инсон ҳаётининг марказий ўринда кўриб, унинг жамиятдаги ролига катта аҳамият қаратган. Бу жараён Марказий Осиё маданий меросини жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А.Мухамедов. Юсуф Хос Ҳожиб ва Мишел Монтен ижтимоий-фалсафий меросининг компаративистикаси. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2024. – 16 б.
2. <https://president.uz/oz/lists/view/3864> - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Мурожаат этилган сана: 07.01.2023.
3. D.Gutas. “Greek Thought, Arabic Culture”, Taylor and Frensis groiup, Nyu-York. 2001, P. 87.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1993 й. 1-3-жилдлар.